

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТИЗИМИ – ТАЪЛИМ ИННОВАЦИЯСИ СИФАТИДА

Юлдашева Саодат Арислановна

Тураев Диёрбек Ўктамович

Собиров Азизбек Акбарович

Аннотация: ушбу ишда таълим соҳасида ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда маъруза ва амалий машғулотлар сифатини ошириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: таълим, машғулот, самара, модул, ўқитиш тизими, технология, инновация, ўқитиш усули, восита.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари узлуксиз таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизомини шакллантириш вазифасини кўяди. Фанларни ўқитишда бугунги кундаги ҳориждаги таълим жараёнида яхши самара бераётган илғор таълим тажрибаларига модулли ўқитиш тизими, ўқитишнинг 4 поғонали усули, йўналтирувчи матн усули, лойиҳа усули, Blended learning (аралаш ўқитиш), Case study (кейс стади), масофали ўқитиш усуллари киритиш мумкин. Модулли ўқитиш бу ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир. Модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари, уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қилиши, анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган ўқитишдаги бир

томонга йўналтирилган ахборот, бир томонлама мулоқот (дарслик–ўқитувчи–ўқувчи, ахборот олиш, хотирада сақлаш ва маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлашга қараганда модулли технологияга асосланган ўқитишда фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш, икки томонлама мулоқот, таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш, билим ва кўникмаларни намойиш этиш, мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш амалга оширилиши таъкидланган.

Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган	Модулли ўқитиш технологиясига асосланган
<p>Бир томонга йўналтирилган ахборот.</p> <p>Бир томонлама мулоқот (дарслик→ўқитувчи→ўқувчи)</p> <p>Ахборот олиш</p> <p>Хотирада сақлаш</p> <p>Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш.</p>	<p>Фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш.</p> <p>Икки томонлама мулоқот</p> <p>Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш</p> <p>Билим ва кўникмаларни намойиш этиш</p> <p>Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.</p>

Модулли ўқитиш таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади:

- модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;

- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;

- касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;

- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;

- талабалар тайёргарлиги даражасига;

- кузатиладиган натижалар баҳосига;

- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;

- модулар натижаси ва таҳлиliga.

Модулли таълим “субъект-субъект” муносабатларига қурилган. Шу сабабали талабаларнинг мустақил фаолиятига катта эътибор қаратилади. Талаба мустақил фаолиятини самарали бўлиши учун педагогдан турли хилдаги маслаҳатлар тизимини талаб қилинади. Шу сабабли хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари такомиллашиб бормоқда ва бугунги кунда педагогик фаолиятига кўра бир қанча тушунчалар келиб чиқишига сабаб бўлган. Хориж таълим тизимидаги “Тьютер”, “Эдвайзер”, “Фасилитатор”, “Модератор” каби тушунчалар таълимнинг кредит-модул тизимида қўлланилиб, юқори самара бериши керак. Шу сабабли модулли тизимнинг фаолиятга кенг тадбиқ қилинишини янада ривожлантириш учун фаннинг модулини тайёрлашда маъруза ўқитувчиси ҳам амалиёт ўқитувчиси ҳам қатнашиши мақсадга мувофиқ. Ундан ташқари яратилган фан модули сифатига ўқитувчи жавобгар бўлиши, лекин қўйиладиган техник талаблар мавжудлиги сабабли ушбу талабларни меъёрига етказиб бажариш учун техник ходимлар маъсуллиги белгиланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Амалдаги “Олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги ихтисослик фанлар блоқи мазмунига

кўйилган давлат талаблари”ни ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда танқидий ўрганиб чиқиш ҳамда илғор хорижий тажрибалар, соҳага оид инновациялардан келиб чиққан ҳолда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим. Фанларни ўқитиш жараёнида инновацион таълим технологияларини кенг жорий этиш учун кафедрада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларга инновацион таълим технологияларини оптимал қўллаш учун зарур бўладиган доира, ярим доира, параллел жойлашувли аудиториялар зарур бўлади. Шунинг учун кафедранинг амалиёт дарсларини олиб боришга мўлжалланган аудиторияларини тааллуқли кўринишда жихозлаш мақсадга мувофиқ. Илмий фаолият билан шуғулланадиган ОТМ ўқитувчилари нафақат сифатли дарс ўтиш, балки илмий ишларини тижоратлашни йўлга қўйишлари лозим, сабаби дарснинг сифатига таъсир этувчи техник таъминотни ўз кучлари билан сотиб олиш имконияти пайдо бўлади. Тижоратлаштириш йўларига пуллик ўқув курслари, илмий адабиётларни реклама қилиш ва сотиш, илмий грантлар ютиб олиш, хўжалик шартномаларда қатнашиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:/REFERENCES:

1. Юлдашева, С. А., Курбанова, М. Н., & Тураев, Д. Ў. (2023). ИННОВАЦИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПРЕДПРИЯТИЙ АО «НГМК». *Journal of new century innovations*, 23(3), 188-191.
2. Юлдашева, С. А., & Курбанова, М. Н. (2022). РАЗВИТИЕ КОНСОРЦИУМА ОБРАЗОВАНИЯ И ПРОИЗВОДСТВА. *Uzbek Scholar Journal*, 9, 209-213.
3. Yuldasheva, S. A. (2022). Performance Indicators of Business Subjects: World Experience and Development. *Global Scientific Review*, 8, 21-27.
4. Yuldasheva, S. A., ugli Murodov, B. X., & ugli Suvonqulov, S. I. NEGATIVE CONSEQUENCES OF MONOPOLY AND METHODS OF REGULATION. *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych.*, 195.
5. Шакирова, Ф. Б. (2022). ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ БИЛАН АЛОҚАДОРЛИГИ. *Journal of new century innovations*, 17(1), 101-105.

6. Shakirova, F. B. (2022). INNOVATIVE DEVELOPMENT MODELS AND THEIR RELATIONSHIP WITH ECONOMIC GROWTH. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(10), 662-665.
7. Shakirova, F. B. (2022). ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҶАСИДАГИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 82-85.
8. Шакирова, Ф. Б. (2022). ТРАНСПОРТ СОҶАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖИ ТАЖРИБАСИ. *Journal of new century innovations*, 15(3), 66-74.
9. Shakirova, F. B., & Sattorova, S. B. (2022). “О ‘ZBEKISTON TEMIR YO ‘LLARI” AJ FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA XALQARO HAMKORLIK FAOLIYATI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(9), 4-9.
10. Shakirova, F. B. (2015). Development of Economy in Uzbekistan on the Basis of Innovation Activity (Uzbekistan, Tashkent). *Problems of Modern Economics*, (3), 55.
11. Mardiyevna, S. G., & Anvarovna, E. D. (2022). MECHANISMS FOR IMPROVING THE EFFICIENCY OF FAMILY BUSINESSES IN THE DIGITAL ECONOMY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(11), 206-211.
12. Shadieva, G. M., & o‘g‘li Isoqulov, Z. S. (2022). WAYS TO REDUCE POVERTY. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 957-962.
13. Усмонова, М. (2022). Imkoniyati cheklangan bolalarni o‘qitishda texnologiya fanining dolzarbligi. Современные тенденции инновационного развития науки и образования в глобальном мире, 1(4).